

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
МУСИҚИЙ ШАРҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

Ноталаштириш фанидан

КУРС ИШИ

*«2010 йилдаги Чиноз тумани
фольклор экспедицияси хусусида»*

*Бажарди: БМФФ 2-курс талабаси
Севара Нарбаева
Раҳбар: Қурбонов Х.*

Тошкент – 2010

Мундарижа:

1. *Кириш*

2. *Асосий қисм:*

Чиноз туманидаги экспедиция.

3. *Хулоса*

4. *Илова*

5. *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

Халқ ижоди – илҳом чашмаси

Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётдан анча илгари пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг дунёга келиши учун замин ҳозирлаган. Халқ яратган асарлар ўзининг гоёвийлиги, чуқур халқчиллиги, тил бойлиги ва бадиийлиги билан ажралиб туради. У халқнинг энгилмас иродасини, келажакка бўлган ишончини, ҳақиқат, адолат, тинчлик ва бахт ҳақидаги тасаввурларини яққол акс эттиради. Халқ шоирлари ёки жамоа томонидан яратилиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган бадиий асарлар халқ оғзаки ижоди дейилади. Халқ оғзаки ижоди фольклор деб ҳам юритилади. Халқ оғзаки ижодига қуйидаги жанрлар киради: қўшиқ, мақол, матал, топишмоқ, афсона, ривоят, асотир, эртак, латифа, лоф, лапар, достон, аския, тез айтиш, масал, алла, ёр-ёрлар, келин саломлар ва бошқалар.

“Фольклор” термини инглизча (folk) – халқ ва (lore) – донолик сўзларидан ясалган бўлиб, “халқ донолиги”, “халқ донишмандлиги” маъноларини англатади. У биринчи марта 1846 йилда Вильям Томс томонидан илгари сурилган. Шундан бошлаб бу термин халқаро миқёсида илмий таомилда ўзлашиб кетди.

Ўзбек фольклоршунослигида “фольклор” атамаси нисбатан кейинроқ илмий истеъмолга кирди. У дастлаб “эл адабиёти”, “халқ адабиёти”, “оғзаки адабиёти”, “оғзаки ижод” тарзида қўлланилди. Ўзбек фольклори хилма-хил жанрлардан таркиб топган оғзаки сўз санъати бўлиб, ўзбек халқининг дунёқараши, бадиий завқи, ижодий салоҳияти, симпатия ва антипатияси, орзу ва интилишларини акс эттиради.

Иптидоий кишилар ҳали ёзувни билмаган замонларда ўз фикр-мулохазаларини оғзаки баён этганлар. Шу аснода уларнинг оғзаки бадиий ижоди пайдо бўлган. Бинобарин, оғзаки ижодиёт ўзига хос хусусиятларга эга бўлган сўз санъати бўлиб, унинг барча намуналари жонли ижро жараёнидагина яшайди, шу сабабдан айрим жанрларда сўз ва куй омукталиги етакчи бўлса, айримларида сахна санъати элементлари устун туради.

Фольклор – синкретик хусусиятга эга бўлиб, хилма-хил санъат турларига хос элементларини ўзига мужассамлаштирган. Унинг талай намуналари сўз ва куй уйғунлигида ижро этилади. Достон, термаларни дўмбира жўрлигида куйлаш анъанавий бўлса, қўшиқ дутор ва чилдирма жўрлигида куйланади. Бир хил қўшиқлар рақс билан ижро этилади. Аксарият фольклор асарларида сўз етакчи ўринни эгаллайди. Эртақ, афсона, нақл, ривоят, лоф, латифа, мақол ва топишмоқ жанрлари шундай ҳарактерга эга. Халқ эртақларида, халқ драмасида ҳаракат ва мимика, куй ғоявий-бадиий мазмунни ифодалашда бир қадар аҳамият касб этса-да, барибир, сўз мазмунни очувчи асосий восита бўлиб қолаверади. Бу фольклорнинг сўз санъати сифатидаги моҳиятини тўла-тўқис тасдиқлайди.

Фольклор қабила, уруғ, элат ёки халқнинг профессионал бўлмаган оғзаки бадиий ижодиёти бўлиб, у ўша қабила, уруғ, элат, халқ ёки миллатнинг мафкураси ва психологиясини акс эттиради.

Чиноз туманидаги экспедиция

Экспедиция бутун этнографик фонида фольклорни ўрганиш, халқ санъатининг хар-хил кўринишини йиғиш ва қоғозга тушириш вазифасини ўз ичига олади. Диёримизда ҳам мустақилликга эришганимиздан сўнг ўзимизнинг йоқолиб кетган ва йоқолиб кетиш арафасида турган фольклоримизни тиклаш ва ўрганиш тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Давлат Консерваторияси 1чи босқич талабалари ҳам хар йили Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб фольклорни ўрганиш ва йиғиш учун экспедицияга юборилади. Хар би вилоят ўзининг миллий либослари ҳамда миллий фольклорига эга.

2010 йил июн ойида Ўзбекистон Давлат Консерваторияси томонидан “Муסיқашунослик” ҳамда “Композиция” бўлими талабаларини ўзбек фольклорини ўрганиш учун 2та гуруҳга бўлиб Фарғона водийси ва Чиноз вилоятига экспедицияга юборилди.

Бизнинг гуруҳ “Композиция” бўлимининг талабаларидан ташкил топган бўлиб, устозлар Холмирза Қурбонов ва Улуғбек Мамажоновлар бошчилигида Чиноз вилоятига экспедицияга йўл олдик.

Биз Чинозда жойлашган Маданият уйига бордик. Чинозда ўзимизнинг миллий қадриятларимиз “Юз очди”, “Келин салом”, “Бешик тўй” ва бошқа кўплаб қадриятларимиз ва кўшиқларимиз ханузгача яхши сақланиб келмоқда. Чиноздаги Маданият уйининг ходимлари бизни очиқ чехра билан илиқ қарши олишди. Биз у ерда ходимлар фольклорчи Ақобирова Жамила опа ва Шарапова Гулнора Турғунбоевна билан учрашдик.



Акобирова Жамила опа 1955 йилда туғилган. Жамила опа Маҳалла ва Маданият уйида фаолият кўрсатиб келмоқда ва шу билан бирга халқ орасида ва маънавият ўчоқларида, тўй маросимларида, байрамларда, марака ва базмларда халқ фольклор қўшиқларини жонли ижро қилиб келмоқда ва шу билан бирга Маданият уйида ёшларга ўзбек халқ фольклори ҳақида таълим бериб келмоқда.

Жамила опа кўплаб худудий ва вилоятлар, шаҳарлар аро ўзбек фольклори бўйича бўлиб ўтадиган кўрик танловларда қатнашиб муваффақият қозонган.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди аслида оғиздан оғизга ўтиб келган. Бу ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган. Бунга ёрқин мисол тарзида Акобирова Жамила опани кўрсатишимиз мумкин, чунки Жамила опа мусиқа йўналишида таълим олмаган бўлсада фольклор санъатига кучли қизиқиши, бўлгани сабабли ёшлигидан халқ оғзаки ижодини мукаммал ўрганиб ва шуғулланиб халққа тўлақонли тарзда етказиб келмоқда.

Акобирова Жамила опа бизга ҳам ўзбек фольклори ҳақида анча сўзлаб бердилар ва ўзлари дойрада чалиб лапар, алла, ёр-ёр ва миллий қўшиқларимиздан жонли ижрода куйлаб берди. Хозирда эстрада йўналишидаги хонанда санъаткорларимиз ҳам халқ миллий қўшиқларидан олиб замонавий ва миллийлик кўринишида куйлаб яна халқга қайтариб беришмоқда.



Маданият уйининг яна бир ходимларидан бири ўзбек фольклори билан шуғулланиб келаётган Шарапова Гулнора Турғунбоевна билан ҳам танишдик. Гулнора опа 1961 йили таввалуд топган. Гулнора опа ҳам Маҳалла ва Маданият уйида фаолият кўрсатиб, халқ орасида тўй маросимлар, маракалар ва базмларда қатнашиб юксак мавқеъларга эга. Шарапова Гулнора Турғунбоевнанинг ўзбек санъатига ёшлигидан қизиқиш пайдо бўлган. Устозлари Ўлматов Турсунпўлат ака Гулнора опага ўзбек фольклоридан таълим бериб маросим, байрамларда ва базимларда ўзи билан бирга олиб юрган.

Шарапова Гулнора Турғунбоевна мусиқага кучли қизиқиши туфайли Ўзбекистон Маданият институтида “Хор ва дирижерлик” факултетидида таҳсил олади. У ерда рус тилида ва рус ва бошқа чет эл қўшиқларини ўрганади, аммо ўзбек фольклор санъатига қизиқиши туфайли ўзбек фольклорини

чуқур ўрганиб ўз устида тинмай ишлаб, изланади ва кўплаб ўзбек фольклори бўйича бўлиб ўтадиган кўрик танловларда қатнашиб юксак ютуқларга эришиб келмоқда. Хозирда Гулнора Турғунбоевна Маданият уйида ёшларга ўзбек фольклори ҳақида таълим бериб келмоқда.

Гулнора Турғунбоевна бизларга ўзимизнинг лапарларимиздан “Омон ёр” қўшиғини 5та тури мавжудлигини такидлаб ўтиб ва улардан биз эшитмаганларимизни кўйлаб бердилар ва бундан ташқари миллий қўшиқларимиз ёр-ёр, термалар, аллаларнинг бир нечта турларини дойра жўрлигида жонли ижрода кўйлаб бердилар. Фольклор ҳақидаям анча сўзлаб бердилар. Гулнора опа яна ҳар бир қўшиқ ўзига хос усули борлиги ва уларнинг бир нечта турларини гапириб ўтиб ва доирада чалиб эшиттирдилар, айниқса “Ялла” усули деярли ҳамма қўшиқларда ишлатилиши мумкин экан. Тўй маросим қўшиқларида эса ўйин қароқ ҳарактерга эга бўлиши учун янада шовқинроқ тарзда чалинади. Гулнора опанинг айтиши бўйича Ўзбекистондаги барча фольклор билан шуғулланиб келаётган санъаткорлар йиғилишиб ўзаро фикр алмашиб, бир-бирлигидан фольклор қўшиқларни ўрганиб ўз фольклор тўпламларини кенгайтиришар экан.



Маданият уйида биз яна бир ёш қиз Бекмирзаева Шахноза билан танишиб қолдик. Шахноза

Гулнора Турғунбоевнинг ўқувчиси экан. Бу қиз ўзининг қобилиятлилиги билан бизни ўзига жалб этди. Шахноза хали ёш бўлишига қарамай яккахон ижрочиликда ва Чиноз "Сўзана" фолклор жамоаси билан биргаликда кўплаб кўрик танловларда ва байрамларда қатнашиб муваффақият қозониб келмоқда. Шахноза бизларга асосан тўй маросимлари кўшиқларини ва катта ашулалардан ҳам жонли ижрода дойра жўрнавозлигида куйлаб берди. "Сўзана" фолклор жамоаси ўғил болалар ва қизлардан иборат бўлиб лапар, айтишув жанридаги "Билак узугим" кўшиқларни сахна кўринишида ижро қилиб беришди.

Ҳар бир халқнинг асрий орзуларини тасвирлаган оғзаки сўз санъати бўлганидек, ўзбек халқининг ҳам ниҳоятда бой оғзаки ижоди мавжуд. Халқ яратган асарлар жабр-зулмга, ижтимоий ҳақсизликка, ёт эл босқинчиларига қарши мардонавор курашларни; ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, вафо ва садоқат ғояларини юксак маҳорат билан тасвирлагани учун ҳам асарлар оша яшаб келмоқда.

Халқ оғзаки ижодининг маърифий аҳамияти шундаки, у халқнинг тарихи, урф-одати, дунёқараши, орзу-умидлари ҳақида кенг билим беради.

Биз бу экспедициядан ўзимизга маънавий озиқа олдик. Халқимиз орасида шундай истеъдод эгалари бор экан маънавиятимиз ҳечқачон завол топмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алексеев Э. Фольклор в контексте современной культуры. М., 1988.
2. Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1976.
3. Рафиев А., Долимов У., Худойбердиев Ж.. Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1998.
4. Абдурахмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж.. Ҳозирги адабий тили. Т., 1979.